# ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

12 декабр, шанба 1998 йил №140(641)


Ушбу сонда:


2 Қимматга тушаётган сусткашлик

3 TV дастури

4 Дастлабки олтин медал


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## Фармони

### Чингиз Тўрақулович АЙТМАТОВни «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга, тарихан таркиб топган ўзбек-қирғиз маданий ва маънавий алоқаларини чуқурлаштиришга, Марказий Осиё халқлари ўртасидаги анъанавий яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси, адабий фаолият соҳасидаги катта хизматлари учун ва 70 йиллик юбилейи муносабати билан Марказий Осиё халқлари маданиятлари ассамблеясининг президенти машҳур ёзувчи ва жамоат арбоби Чингиз Тўрақулович Айтматов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил, 11 декабр.

*Тақдимот*

## БУ ҒОЯТ ЎЗИГА ХОС АСАР

**Унда ўз шахсига урғу бермай, дунё ва давр қиёфасини мамлакати орқали кўра олиш салоҳияти яққол кўзга ташланади**

Украина Миллий Академиясининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти ректори Ю. Пахомов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини ўқувчиларга ана шундай таассуротлар билан таништиради.

Ушбу асар тақдимоти 9 декабр куни Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси томонидан Жорж Вашингтон номидаги университетда йирик жамоат ва сиёсий арбоблар иштирокида бўлиб ўтди.

Шубҳасиз, америкалик ўқувчилар учун дунёга таниқли сиёсатшунослар ваноширларнинг китобнинг бежирим муқовасида битилган фикрлари билан танишиш янада қизиқарлидир. Жумладан, Ю. Пахомовдан ташқари Париж академиясининг ректори, Торонто ва Нью-Йорк университетлари фахрий аъзоси М. Массалу, исроиллик тарихчи олим Яков Рои, ливанлик ношир Жамолиддин Тоҳир ва бошқа атоқли кишиларнинг фикрлари эътиборни тортади. Масалан, немис ношири К. Дрогемюллернинг фикрича, «Муаллиф фавқулодда ишонтириш салоҳиятига эга бўлган шахс. Мени бошқа яна бир нарса ҳайратга солди — асарнинг ҳар бир сатри ватанига ва халқига бемисл муҳаббат руҳи билан суғорилган. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг эртанги куни қандай бўлади, унинг тараққиёти ва олға қараб ривожланиши учун нималар қилиш керак, деган ғамхўрлик ва куюнчаклик билан йўғрилган».

Вестминстер дипломатия академияси университети директори Нобил Айёднинг ёзишича, «...Президент И. Каримовнинг китоби киши эътиборини фақат Ўзбекистон тажрибасига эмас, балки Марказий Осиёда, Яқин Шарқда ва Шимолий Африкада яшаётган, ўз мустақиллиги ва ўзлигини ҳар хил кучлардан ҳимоя қилаётган халқлар ҳаётига ҳам қаратади. Муаллифнинг қувваи ҳофизаси ниҳоятда кенг. У ишончли манбаларни моҳирона таҳлил қилиш орқали мамлакатининг келажакда ўзаро алоқаларда кўприк бўла олишини кўрсатиб берган».

Китоб машҳур Гарвард университети жойлашган Кембридж шаҳрида 10 минг нусхада чоп этилган ва АҚШнинг йирик кутубхоналарига жамоат кутубхоналари тизими орқали тарқатилади. Асарнинг ихтисослашган компаниялар тизими орқали савдога чиқиши ҳам кутилмоқда. Бу эса ушбу нашр Америка жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотганлигига яна бир далолатдир.

**«Туркистон-пресс» НАА.**

*ОИЛА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДА*

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ НЕГА КЕРАК?

***Оилани жамиятнинг кичик бўлаги, деб айтишга ўрганиб қолганмиз. Зеро, қаерда оила мустаҳкам бўлса, ўша ерда юрт тинч бўлади, мамлакат ривожланишга юз тутади. 1998 йил Оила йили, деб эълон қилинганлигининг боиси ҳам ана шунда бўлса керак. Касаба уюшмалари ҳам кўп қиррали фаолиятида оилани ижтимоий ҳимоялаш масаласига жиддий эътибор бериб келмоқда. Наманган туманидаги «Олти қаҳрамон» жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг бу борадаги тажрибаси ҳақида журналист Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ қаламига мансуб очеркни эътиборингизга ҳавола этамиз.***

Бу воқеага уч йилча бўлди. Хўжалик бошқаруви билан касаба уюшма қўмитасининг ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан жамоа шартномасини тузиш учун тайёргарлик кўраётганлиги айтилган, ҳар икки томон ўртасида музокаралар жараёни давом этаётган кунлар эди. Икки йилдирки, туман ва вилоятдаги катта раҳбарлик вазифаларида ишлаган, масъул лавозимларни эгаллаб турганига қарамасдан илмга чанқоқ, сал бўш вақт топса илмий адабиётларни қўлга олишга одатланган Носиржон Отаханов бошқарув раислигига ўтгач, ишлаб чиқаришда ҳам, хўжалик ҳаётининг барча соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришларга эришилганлиги кўзга ташланиб қолганди. Олдинлари пахта тайёрлашда-ю сабзавотчиликда, боғдорчиликда-ю, чорвачилик бўйича ҳам орқада юрадиган хўжалик илғорлар сафидан ўрин ола бошлаганди. Даромад ҳам кўпайиб рентабеллик ошган, соф даромадга йил сайин барака кириб борарди. Шуларни эътиборда тутган касаба уюшма қўмитаси «Ижтимоий имтиёзлар, ходимлар турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари» деб номланган 3-бўлим лойиҳасига қуйидаги бандларни киритди:

«Хўжаликда кузги шудгорлаш пайтида тракторчиларга, ҳосил тўплаш ойида сувчиларга, чорва қишлови даврида эса чорвадорларга бепул тушлик ташкил қилинади. Қолган пайтларда тушлик қиймати 50 фоиз арзонлаштирилади. Пахтачилик бригадаларида шартнома асосида берилган ерлардан олинган (режадан ташқари) қўшимча даромад ҳисобидан тушликни қолган қисмини ҳам арзонлаштиришга рухсат берилади.

Ишловчиларга қуйидаги ҳолатларда қўшимча нафақа, ёрдам пуллари белгиланади:

Хўжаликда 30 йил ва ундан ортиқ ишлаб нафақага чиққан ишловчиларга белгиланган энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорида бир марталик нафақа берилади.

Нафақага чиқиб қарамоғидаги оила аъзоларининг жон бошига тушадиган даромади тирикчилик учун зарур бўлган эҳтиёжидан кам бўлса уларга хўжаликда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулоти ва чорва учун озуқадан ёрдам бериб борилади.

Кам таъминланган кўп болали оилалар хўжалик бошқаруви, фуқаролар кенгаши, касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда рўйхатга олиниб жорий йилда уларга 50 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади.

Хўжаликда ишлаб биринчи марта турмуш қураётган ёш оилаларга энг кам ойлик маошнинг 3 баробари миқдорида ёрдам пули ёки шунча миқдорда натура ҳолда маҳсулот берилади.

Ишловчилар ҳар йили бир марта тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанишлари учун туман марказий касалхонаси билан шартнома тузилади ва бу мақсад учун 15 минг сўм маблағ ажратилади.

Ишловчиларнинг иш жойи қисқартирилиб бошқа иш жойи топиб беришнинг иложи бўлмай қолса, эркаклар 58 ёшдан, аёллар 53 ёшдан қарилик нафақасига чиқарилади. Уларга ҳақиқий пенсия ёшига етгунга қадар қонунда белгиланган миқдорда пенсия пули белгиланади».

Ўшанда бу бандларни ҳар хил талқин қилувчилар, касаба уюшма қўмитасини ҳозирча амалга ошириб бўлмайдиган, хўжалик имконияти буни кўтармайдиган талабларни олдинга сураётганликда айблаганлар ҳам топилди.

- Қандай қилиб тушлик овқатнинг 50 фоизини хўжалик ҳисобидан қоплаш мумкин,-деди шартнома лойиҳасини муҳокама қилиш учун ўтказилган йиғилишда унинг иштирокчиларидан бири. - Кунига бир ярим ёки икки минг одам далада ишлашини, уларнинг тушлик пайтида 45-50 сўмликдан овқатланишини эътиборга олинг. Хўжалик эндигина қаддини тиклаб келаётганида бундай қилиш яна унинг белини букиб қўйиш, деган гап эмасми? Ўшанда нафақадаги Меҳнат Қаҳрамони Нуриддин ака Абдуллаев бу борада даҳанаки «жанг» авж олганида шундай деганди:

- Кўпчилик тикилса тоғ қулайди, деган мақол бор, биродарлар. Арзимаган нарса учун асаб бузишнинг, ўзимизни аҳлли, хўжалик манфаати йўлида жонкуяр кўрсатиб, бошқаларни узоқни кўзламасликда айблашнинг ҳожати йўқ. Агар ҳамжиҳат бўлсак, бир ёқадан бош чиқарсак, бу муаммони ҳам ҳал этишнинг чораси бор.

Оқсоқол пахтакор бу борадаги ўз таклифини шундай йўсинда ўртага ташлади:

- Мен қирқ-эллик йил далада ишладим. Шунинг асосий қисмини бригадирликда ўтказдим. Ҳеч қандай яширадиган жойи йўқ, ҳар қандай бригадада ҳам 50-60 сўтих экинзор учун жой ажратиш имконияти бор. Агар бригадир омилкор, тадбиркор бўлса, бошқа майдонлардаги ғўза парваришини кучайтириш орқали биз тилга олган ердаги ғўза пахтасини ҳам чиқариб олиш мумкин. Мана шу 50-60 сўтих майдонни «бригада томорқаси» деб эълон қилайлик ва тушлик овқат учун асқотадиган сабзавоту бошқа экинларни экайлик. Ана шунда сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Хўжалик иқтисодиётига ҳам ортиқча юк тушмайди, далада ишлаётганларнинг ҳам бу мақсад учун сарф ҳаражатларини анча тежаган бўламиз.

Шу тариқа кекса деҳқон таклифи кўпчиликка маъқул тушди ва жамоа шартномасига киритилган ушбу банд йиғилганлар тасдиғидан ўтди.

Ишловчиларни нафақага чиқаришни махсус тадбир сифатида уюштириш, уларга ўртача ойлик маошнинг 3 баробарига тенг миқдорда пул тақдим этиш ҳам ана шундай баҳс - мунозаралар асосида шартномадан жой олди.

... Наманган - Учқўрғон катта йўлининг ёқасида жойлашган хўжалик боғи байрамлардагидек безатилган. Бу ерга оқшом олдидан ишлаб чиқариш илғорлари, ҳурматли оқсоқоллар таклиф қилиндилар. Бу тантана хўжалик ишлаб чиқаришида узоқ йиллар меҳнат қилиб ўзини кўрсатган, эл юрт ҳурматига сазовор бўлган 17 нафар кишини нафақага узатиш маросимига бағишланган эди.

Шу оқшом алламаҳалгача ўйин-кулги давом этди.





***Фарғона тумани меҳнаткашлари жорий йилни қувончли натижалар билан якунлашди. Айни чоғда деҳқонлар дала ишларини сифатли ўтказишга ҳаракат қилишмоқда.***

**Суратда: туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ғанижон Носиров механизатор Икромжон Бадриддинов билан.**

**Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## СИЛЖИШ СЕЗИЛМАЯПТИ

Халқимизда «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган пурҳикмат нақл бор. Бунга амал қилганлар қаддини ғоз тутиб, ҳар йили мўл ҳосил кўтармоқдалар. Аммо, Навоий вилоятида кейинги 2-3 йил ичида ерга муносабат ёмонлашди. Кузги-қишки ишлар доимо кўкламга қолдириб келинди. Натижада, қаторасига тўрт йил пахта топшириш режаси уддаланмади. Юртбошимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши сессиясида бу ҳақда ўзининг танқидий фикрини айтганди. Хўш, навоийликлар танқиддан қандай хулоса чиқармоқдалар?

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг маълумотларига назар ташласак, мавжуд 43 минг гектар майдоннинг 31 минг гектари шудгорланган. Лекин, ерларни текислаш, ғўзапоялардан тозалаш, суғориш каби дала ишлари кўнгилдагидек эмас. Айниқса, Хатирчи, Навоий, Навбаҳор туманларида шудгорлашни талаб даражасида деб бўлмайди. Хатирчи туманидаги Навоий номли, Ш.Рашидов номли, Навоий туманидаги «Хазора», Навоий номли, Навбаҳор туманидаги «Ижанд», «Зарафшон», Қизилтепа туманидаги «Зарбдор», «Ўртачўл юлдузи» жамоа хўжаликларида кузги-қишки тадбирлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шудгорлашнинг мана шундай пайсалга солиниши техникаларнинг ишдан чиқиб, эскириб қолганлиги оқибатидир.

Вилоят бўйича 588 та Т-4 ва «Магнум» тракторлари бўлиб, ҳозирги кунда шудгорлаш ишларида бор-йўғи 172 та техника ишлаяпти, холос. Эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги, уюшқоқликнинг йўқлиги туфайли кўпгина хўжаликларда шудгорлаш ишлари ўлда- жўлда.

Шу ерда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Маҳаллий ўғит - ер малҳами ҳисобланади. Аммо, бунга ҳам панжа орасидан қаралмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, бу йил вилоят бўйича 500 минг тонна маҳаллий ўғит жамғарилиши лозим эди. Аммо, шу кунгача бор-йўғи 40 минг тонна ёки 7 фоиз ўғит жамғарилганини қандай баҳолаш керак?

Хатирчи, Навоий, Навбаҳор туманларида ерга органик ва минерал ўғитлар солинмасдан, шудгорлаш сифатсиз ўтказилмоқда. Кўп ҳолларда ерларни текислаш, шўр ювиш, пушта олиш, суғориш ва арик-зовурларни тозалаш ишлари баҳорга қолиб кетмоқда. Бу эса экиш муддатларининг чўзилиб кетишига, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Навоийлик деҳқонлар, мутахассислар ишни ана шу қарор асосида ташкил этиб, барча дала ишларини уюшқоқлик билан амалга оширишлари лозим. Акс ҳолда келгуси йил ҳам юзлари шувут бўлиши мумкин.

**Ёркул УМАР, ЎзА мухбири.**

## ЕР МОЖАРОСИ

### ёхуд қонунни билмаслик қимматга тушди

***«Ер - давлат мулки-умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди...»***

**(Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 16-модда).**

Ҳар бир инсоннинг эзгу ниятларидан бири яхши уйли бўлишдир. Барча қулайликларга эга бўлган гўшада яшаш, томорқада ўз қўлинг билан неъмат етиштириш, чорва, парранда асрашнинг гашти ўзгача. Ишчи Рустам Нуров ҳам омад келди деб уй қуришни бошлаб юборди. Йиллар мобайнида йиққан маблағига қурилиш материалларни сотиб олди. Хаш-паш дегунча пойдевор ҳам битди. Қўли гул усталар ғишт теришни бошлаймиз, деб туришганида ишкал чиқди. Мутасадди идоралар «Зовурқурилиш» трестининг 10-механизациялашган ишлар бошқармасига қарашли боғда шахсий уй-жой қуриш қонунга зид эканлигини маълум қилишди. Катта оила аъзолари ҳайрон, наҳотки шунча куч, маблағ зое кетса?!

Югур-югур, эътирозлар бошланди. Бироқ қонун барча учун баробар. Иш бошидан хом қилинган экан. Шундайки, трестнинг 10-механизациялашган ишлар бошқармаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Х.Бердиев, унинг раҳбари Х.Худойназаровнинг тантилиги тутиб ишчилар Рустам Нуров ва Рамазон Нуровларга ер-участкаси ажратишга жазм қилишган эди. Ахир бошқармага қарашли боғ қаровсиз ҳолда ётибди. Шу ердан жой ажратилса, кимнинг асакаси кетибди...

Шу масала юзасидан бошқарма маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитасининг қўшма йиғилиши ўтказилди. Раҳбарлар бирин-кетин сўз олиб Рустам Нуров ҳамда Рамазон Нуровлар кўп қаватли бинода қийналиб яшаётганликлари, боз устига узоқ йиллардан буён ҳалол ишлаётганликлари ва бошқа фазилатларини инобатга олиб истакларини қондирайлик, деган таклифни киритишди. Раҳбарлар инсон учун жон койитиб турганларидан кейин... Йиғилишда сўз олган бульдозерчи Б.Маматов, ишчи А.Тоғаев, бошқарма бошлиғининг ўринбосари Х.Хамдамов таклифни қўш қўллаб маъқулладилар.

Инсонга яхшилик қилиш, ҳамкасбини қўллаб-қувватлаш яхши, албатта. Бироқ тажрибали мутахассислар, раҳбарлар, 25-30 йилдан буён тер тўкиб келаётган қурувчилар бошқармага қарашли боғга шахсий уй қуриш учун рухсат бериш мутасаддилар ваколатига кирмаслигини ва умуман бу иш қонунга зид эканлигини наҳотки билишмаган бўлса?

Ўрни келганда боғ хусусида тўхталсак. Маҳаллий аҳоли бир вақтлар мазкур майдонда ҳамманинг ҳаваси келадиган мевазор бўлганлигини таъкидлашди. Раҳбарлар алмашди, анча сувлар оқиб ўтди. Маблағ йўқ, баҳонасида боғ ташландиқ ҳолга келди, оқибат натижада дарахтлар қуриб қолди. Қизиқ, боғни ҳашар йўли билан ҳам гуркиратса бўлади-ку? Олма, шафтоли,гилос, ўрик, ёнғоқ, нок каби неъматлар ўзларидан чиқса ёмонми?! Хафсаланинг йўқлиги, совуққонлик, ўзибўларчилик қурсин. Худди шу иллатлар туфайли ажойиб боғ харобазорга айланди. Ана энди 42 сотих ерда чиқиндилар уйими. Турли техника воситалари қалашиб ётибди. Ҳар қарич ер кўзга тўтиё бўлган бир пайтда бундай ношукурликни қандай изоҳлашга ҳайронсан киши. Боғ ўртасида Р.Нуров участкаси учун тикланган пойдевор мунғайиб турибди. Катта оила аъзолари идорама-идора юриб чарчашди.

Бу орада бошқарма бошлиғи Х.Худойназаров, касабақўм раиси Х.Бердиев бошқа ишга ўтиб кетдилар. Масала янада чигаллашди.

- Қонунни билмаса қийин экан, ер ташкилотники, ундан қандай фойдаланиш бизнинг ихтиёримизда деб ўйлагандик,- фикрини ифодалайди Х.Бердиев. - Очиғи, маҳалла қўмитасининг қароридан кейин туман ҳокимлигининг бирламчи ҳужжатлари бўлгандагина уй қуришга рухсат этилишини билмабман.

Масъул вазифада ишлайдиган кишининг жавоби шу бўлса, бошқалардан нима кутиш мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 19-моддасида «... фуқароларнинг ерга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига доир давлат ҳужжатлари билан тасдиқланади...» дейилган. Ваҳоланки, Р.Нуров шу хусусдаги бирон бир ҳужжатга эга бўлмаган. Қонунни, ўз ҳуқуқини яхши билмаслик қимматга тушди. Кейин маълум бўлишича, у яхши ният билан қурилиш бошлаган жой 470 оила истиқомат қиладиган маҳалла фуқаролар йиғини учун маъмурий бино қуришга ажратилган экан. Ўз-ўзидан Р.Нуров қурилишни тўхтатишга мажбур бўлди. Эссиз маблағ, саъйи-ҳаракат.

- Бир неча йилдан буён давом этиб келаётган ер можаросига чек қўйилди,- дейди Қарши тумани ҳокими ўринбосари Б.Муртозаев,- 42 сотих ернинг бир қисми маҳалла ихтиёрига ўтди. Қолган ерда янги боғ барпо этилади. Бу барча учун сабоқ бўладиган воқеадир.

**Шавкат СУЛТОНОВ, Абдунаби МАННОПОВ, «Ишонч» мухбирлари.**

(Охири, боши ўтган сонда)

Худди ўша кезлари Тошкентни ва тошкентликларни кино тасмасига туширишга, сўнгра экранда кўрсатишга уриниш бўлган. «Ўзингизни ва шаҳрингизни «синематограф»да кўришни истасангиз, Кауфман кўчасига боринг»(куни,соати кўрсатилган) - шу каби афишалар чиққан. Улар газеталарда босилган. Икки кундан кейин эса «ўзингизни, яқинларингизни, шаҳрингизни экранда кўришга шошилинг! «Хива»да кўринг!» каби эълонни ўқиганлар «ўзимни экранда кўрар эканман» деб катта пул эвазига кинога бораверганлар.

Шу билан бирга Туркистон кўринишларини, ёдгорликларини кенг миқёсида суратга олишга қизиққан фирмалар ҳам бўлган. Давиялик Франц Адолф Гардер ва француз кино жамияти «Эклер» вакили Рене Моро 1911 йилнинг ёзида Туркистон ўлкаси бўйлаб кинокамера билан саёҳат қилишга рухсат олишга эришганлар. 1914 йилда эса рус тадбиркори А.Ханжонков «Туркистон табиатини, маҳаллий халқнинг турмушини ва колоницазия этилиш шароитини, қишлоқларни давлат идораларининг ва савдо-саноат корхоналарининг фаолиятини суратга туширмоқчи бўлди. Бу режалар қанчалик амалга оширилгани ҳақида ҳозирча маълумотга эга эмасмиз.

*Тадқиқот*

# ДЕБОЧА

## ёҳуд Наби Ғаниевгача ўзбек киноси

Наби Ғаниевгача Туркистонда кино аҳволи шундай бўлган. Авваллари Туркистоннинг ўзи кино асарларини яратмаган. Ижодий техник кадрлар ҳам бўлмаган, асбоб-ускуна, лаборатория, устахоналар ҳам. Шу боис аввал Бухорода, сўнгра эса Тошкентда киностудия(ўша кезларда кўпроқ кино ширкатлари дейиларди) таъсис этилганида кун тартибига худди шу икки масала қўйилди. Уларнинг моҳиятини биринчилар қатори Наби Ғаниев тушуниб етди. Бу икки муаммо ҳал этилиши учун у аввало ўзи тинимсиз меҳнат қилди. Кинога хизмат қилди. Шу билан бирга киночилар даврасини кенгайтириш учун куч-қувватини, истеъдодини, ташкилотчилик қобилиятини, билимини аямади. У аввал ёлғиз бўлди. 20 йилларнинг охирига келиб Абдулла Қодирий майдонга чиқди. Сўнгра Сулаймон Хўжаев, Эргаш Ҳамроев, Асад Исматовларнинг ҳам Наби акага фикрдош эканлиги маълум бўла борди.

Лекин, ҳозирча астойдил меҳнат қилиш учун шароит етилмаган эди.

Шайҳонтоҳур масжидининг ҳужраларида ҳануз муллаваччалар-у домлалар ҳукмронлик қилардилар. 1925 йилга келиб у ерда XX аср мўъжизасини намойиш этишга қодир бўлган кишилар тез-тез пайдо бўла бошладилар. Уларнинг аксарияти руслар эди. Гоҳо грузинлар, украинлар ҳам кўриниб қоларди. Бу муқаддас остонани Наби Ғаниев хатлаб ўтганида аҳвол шундай эди...

**Ҳамидулла АКБАРОВ, профессор.**



**1941 йил, «Биз енгамиз» фильмини суратга олиш дақиқалари, камера ёнида Наби Ғаниев. Даврада артистлар Н. Ишмуҳамедов,Л. Саримсоқова, Х. Ғаниева, Г. Измайлова...**

*Қишлоқ одамлари ва муаммолари*

# ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛИНГ, ЁШУЛЛИ!

Ҳар йили бўлмаса-да, имкониятга қараб ёзги таътилни Хоразмнинг сўлим гўшасида жойлашган Бўзқалъа қишлоғида ўтказаман. Ҳамқишлоқларим билан ўтириб суҳбатлашганда, уларнинг қувонч-ташвишларини бир қарашдаёқ кўзларидан, нигоҳидан уқиб олишга, уларга ҳамнафас бўлишга ҳаракат қиламан...

- Инсонни билиб бўлмас экан,- дейди Олим ака Жуманов. - Гапнинг очиғини айтсам, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Баҳром Ўрозметовни бу мансабга тайинлаганимизда ҳамқишлоқларига қайишади, уларга ҳамдард бўлади, ночорларнинг аҳволини енгил қилади, деб ўйлагандик. Афсуски, янглишган эканмиз... У ишни ўз атрофига яқин қариндошларини тўплашдан бошлади. Қисқаси, қоровулдан тортиб котибгача ўз одами. Президентимиз халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқида қариндош-уруғчилик оқибатларини очиб ташлаганди. Шундай экан, ошна-оғайнигарчилик бўлган жойда кўпчилик манфаатини кўзлаш эмас, балки иш бор товоғим, кел товоғим қабилида бўлади.

Мен бу гапларнинг мағзини чақиш учун қишлоқ фуқаролар йиғини раиси билан учрашдим. Гапларимни эшитар-эшитмас унинг саросимага тушганлиги мени ажаблантирди. Саволларим жавобсиз қолди. У гуноҳкор кишидек бўйнини эгиб, аранг ўрнидан турдида, машинасига ўтириб жўнаб қолди...

Қишлоқни айланиб, катта-кичик билан гурунглашдик. Аҳолининг экологик ҳаёт шароитини яхшилаш, соғлиғини муҳофаза қилиш, сув таъминоти масалаларига эътиборсизлик билан қаралаётганлигининг шоҳиди бўлдик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёнилғи-мойлаш материаллари сотишни тартибга солиш тўғрисидаги қароридан кейин ҳам қишлоқдаги икки-уч хонадонда ноқонуний равишда бензин сотилаётганлигидан ёки қўлбола арoқ савдосидан наҳотки қишлоқ оқсоқолининг хабари бўлмаса?

Назаримда, қишлоқ фуқаролари ва ёшлари ўртасида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масаласига эътибор берилмаётганлигидан содир этилаётган жиноятлар сони ортиб бормоқда. Масалан, қишлоқ ўсмирларидан Ражаббой Раҳимов, Фарҳод Ўрозметов, Ғайрат Тожимов ва Йўлдош Тожимовлар оғир жиноят содир этганлиги учун узоқ муддатга қамалиб кетганлиги фикримизнинг далилидир.

Биз Янгибозор тумани ҳокими Пўлат Рўзметов билан қишлоқ одамлари ва муаммолари ҳақида гаплашганимизда, эътирозлар кўпайиб кетди, Баҳром Ўрозметов масаласини жиддий ўйлаб кўрмасак бўлмайди, деб қолди...

Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Олий Мажлисининг «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказиладиган сайловда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг маслаҳатчиси лавозимига обрў-эътиборли, катта ҳаёт тажрибаларига эга, кўпни кўрган, фидойи инсонлар номзоди кўрсатилишига ишонаман. Зотан, бугунги куннинг сўрови ва талаби ҳам шу.

**Солижон ҲАСАНОВ, Тошкент давлат юридик институти доценти.**

*XIII Осиё ўйинлари кундалиги*

Бир ҳафтаки Бангкокдаги қатор спорт мажмуалари спортчилар ва ишқибозлар билан гавжум бўлиб турибди. 13-ёзги Осиё ўйинлари мусобақалари дастуридан ўрин олган баҳсларда спортчиларимиз 25 тур бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда. Чон Бури вилоятида жойлашган «Мал Прахан» сув ҳавзасида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича мусобақалар муросасиз ва қизиқарли курашлар остида ўтди. Тўрт кишилик байдаркада 1000 метр масофага пойгада Рафаэль Исломов, Андрей Шилин, Владимир Казанцев ва Константин Яшин энг яхши натижа кўрсатиб, олтин медални қўлга киритдилар. Антов Ряхов билан Герарт Шатар икки кишилик байдаркалар пойгасида 2-ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланишди. Якка эшкакчилар орасида Андрей Шилин бронза совринни олишга муваффақ бўлди.

Дзюдочиларимиз ҳам қувонарли натижаларга эришмоқдалар. Андрей Штурбабин терма жамоамизга дастлабки бронза медални тақдим этган бўлса, Атланта олимпиадаси кумуш медаль совриндори Армен Багдасаров 100 килограммгача вазнда кумуш медални қўлга киритди. Терма жамоамиз мураббийларининг умидлари энди икки полвонимиз - Фарҳод Тўраев ва Камол Муродовлардан эди. Бу икки спортчимиз совринли ўринларга даъвогарлардан ҳисобланарди. Аммо Япония, Жанубий Корея ва Хитой каби мамлакатлар вакиллари ва майдон эгалари билан беллашиш осон эмаслигини ҳам тан олмоқ керак. Фарҳод рақиблари билан дадил курашди. Бироқ, унга шу куни бешинчи ўрин насиб этган экан.

# ДАСТЛАБКИ ОЛТИН МЕДАЛ

Камол полвон эса анча оғир синовларга рўбарў бўлди. У биринчи учрашувда мўғулистонлик рақибини 11 сонияда кўтариб ерга урди - соф ғалаба! Икки беллашувда Қувайт вакилини 2:1 ҳисобида енгди. Учинчи гал кореялик кучли дзюдочи билан курашди. Унда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Ҳакамлар кореялик спортчини ғолиб деб топишди. Натижада ҳамюртларимиз бронза медали учун курашадиган бўлди. Бунинг учун у Қозоғистон вакилини енгиши шарт эди. Ҳа, шарт эди. Чунки у мусобақалар олдидан берган интервьюсида: «Тилагим - Осиё ўйинларида байроғимиз кўпроқ кўтарилсин. Худо хоҳласа, ўзим ҳам уни баланд кўтариш учун бутун кучимни аямайман»,- деганди. Камол полвоннинг беллашувларини кузатаётиб, унинг ана шу гаплари киши ёдига тушади. Ниҳоят полвонимиз қозоғистонлик спортчини ҳам дастлабки дақиқадаёқ елкасидан ошириб ташлади - иппон, яъни соф ғалаба! Полвонимизнинг эзгу орзуси ушалди, у шоҳсупага, байроғимиз эса юқорига кўтарилди.

Оғир атлетика бўйича ҳамюртимиз Атланта олимпиадасининг иштирокчиси Виктор Янский финалга чиқди, лекин финалда омад унга кулиб боқмади. 69 кгда Нодир Сулаймонов 5-натижани кўрсатди. Сузиш бўйича баҳсларда ҳамюртларимизга унчалик омад чопмади. Етти марта уринишда олтинчи, энг пасти эса ўн биринчи бўлди.

Бокс мусобақалари ҳам қизғин паллага кирди. Истеъдодли спортчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев биринчи учрашувни ғалаба билан якунлади. У кореялик спортчини 19:6 ҳисобида енгди. Ҳозирча рингга чиққан уч боксчимиз Наримон Отаев, Темур Туляков - икки марта, М.Абдуллаев ғалаба қозонди. Қозоғистон боксчилари ҳам Осиёда кучлилардан ҳисобланади. Лекин Қозоғистон вакилларидан рингга чиққан тўрт боксчидан уч нафари мағлубиятга учради.

Спорт гимнастикаси бўйича якка биринчиликда ҳамюртимиз Светлана Бахриддинова таяниб сакраш бўйича кумуш медални қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида эса қизларимиз тўртинчи ўринни эгаллашди.

Мусобақалар тобора қизғин тус олмоқда.

**Дониёр ЮСУПОВ.**

*Бир сурат тарихи*

# ЙЎҚОЛГАН ПОРТРЕТ

Яқинда Ўзбекистон халқ рассоми, академик мусаввир Малик Набиев архивидан «Муқанна» портретидан олинган фотосуратни топиб олдилар. Сурат орқасига 1942-1944 йиллар деб ўзлари ёзиб қўйган эканлар. «Мукқанна» портретидан оқ-қора тасвирга туширилган бўлиб, сурат анча яхши сақланибди. Ўзаро суҳбатда шу портрет ҳақида эслаб кетдилар.

- Ўшанда, Усмон Юсупов мени зарур мутахассис сифатида ҳарбий хизматдан олиб келганларидан сўнг, Бадиий билим юртини битирганлик тўғрисидаги гувоҳномам билан Ўзбекистон халқлари тарихи музейига бордим. Эндигина тарихий мавзуга қизиқиб, асарлар яратишга уринаётган кезларим эди. Шуни билибми, бир куни Турди ака Муқанна ҳақида асар яратишимни айтиб, араб босқинчиларига қарши жанг қилган халқ қаҳрамони хусусиятлари, саркардалик салоҳиятидан шундай хикоя қилдиларки, беихтиёр Муқанна кўз олдимда намоён бўлди. Бу далда бўлиб мойбўёқда «Муқанна портрети»ни яратдим. Муқанна бир кўзли саркарда бўлиб, чап кўзини парда билан бекитган ҳолда елкасига оқ ёпинғич ташлаб юрган. Нафақат у, балки аскарлари ҳам оқ матодан кийинганлари учун «оқ кийимлилар» дейишарди уларни. Бу Муқаннанинг фикрича «нияти пок, дили тоза» маъносини англатади. Саркарданинг устидан симдан тўқилган совут, белида камар бўлиб, бош кийими оврупоча кўринишда эди. Бу бежиз эмас. Чунки айрим жанговор кийимлар Оврупodan олинарди.

Мусаввир Малик Набиев гапларидан маълум бўлишича «Муқанна портрети» илк марта ўта маҳорат билан яратилиб, ўша йилларда очилган турли кўргазмаларда намойиш этилган, аммо қирқинчи йилнинг охирларига келиб бу портрет ўз-ўзидан кўринмай қолган. Музейдами, бирон жойдами маълумот йўқ. Балки, йўқолгандир?

- Аслида, тарихий мавзудаги асарни қандай яратиш лозимлигини «Муқанна портрети» белгилаб берганди,- дейди мусаввир Малик Набиев. - Шу портретдан сўнг Муқанна ҳақида картина яратишга киришдим. Узоқ йил изландим. 1969 йили «Муқаннанинг араб босқинчиларига қарши кўзғолони» деб аталган картина эскизи битди. Шу эскизни йирик асар даражасига кўтариш мақсадида яна кўп изланишга тўғри келди. Ва ниҳоят 1983 йилда «Муқанна кўзғолони» номли полотно ниҳоясига етди. Шундай қилиб, салкам эллик йил деганда узоқ изланишлар оқибати ўлароқ жасур ватандошимиз қиёфаси жонланди.

Тарихий манбалардан маълумки, Муқанна ҳеч қачон ҳар қандай ҳолатда ҳам тушкунликка тушмаган, эли учун жон фидо қилишни ўзига бахт деб билган. Ҳатто, Санам қалъасида қамалда қолиб, душмани ғолиб чиқиши кундек равшан бўлиб қолган сонияларда ҳам тиз чўкмаган, таслим бўлгандан кўра ўлимни афзал санаб, ўзини ўтга ташлаган.

«Муқанна қўзғолони» картинасида араблар енгилиб қуролларини топшираётган вақтда, Муқанна ва унинг аскарларини кўтаринки кайфият ҳамда мағрурона ҳолда тасвирланиши бежиз эмас, бу эрк учун курашганлар енгилмайди дегани ҳам эди.

Дарвоқе, Муқанна ўлимидан сўнг ҳам босқинчиларга қарши жанг яна 100 йил давом этди.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ**

# ҲАР ТЎҒРИДА

**1905 йилда Парижда антиқа беллашув ўтказилди.300 киши 300 метр баландликка югуриш бўйича мусобақалашди. Унда шаҳарда истиқомат қилувчи Форестье исмли киши ғолиб чиқди. У Эйфель минорасининг энг юқори майдончасигача бўлган 729 та зинапоясини 3 минуту 32 секундда босиб ўтди.**

***

Узоқ йиллар мобайнида Хеопс пирамидаси кўҳна дунёнинг энг баланд иншооти ҳисобланиб келинарди. Унинг баландлиги 146,6 метрга тенг эди.

1548 йилда Англияда Линкольн ибодатхонаси қурилдию, биринчилик янги иншоот ҳисобига ўтди. Ибодатхона қуббаси машҳур пирамидадан 14 метр баланд эди.

***

**Тинч океанининг энг чуқур жойи-11 километру уч метрга тенг. У Япониядан унча узоқ бўлмаган мариан тушувидадир.**

**Агар ўша жойда турган кема бортидан сувга оғир тош ташланса, у океан тубига бир соатдан кўпроқ вақт ичида етиб боради.**

***

АҚШнинг Коннектикут университетининг физиологи Жозер Кровелло камзул ёки халатнинг кўкрак чўнтагига тақиладиган нишонга ўхшаш индикатор ишлаб чиқарди. У ҳаводаги 130 дан ортиқ заҳарли моддалар миқдорини ўлчайди.

Агар ҳавода бирор заҳарли модда миқдори меъёридан ошиб кетса, нишон-индикатор ўз рангини ўзгартиради.

***

**Америкалик ширкатчилардан фақат 90 таси ген муҳандислигига йирик молиявий маблағ ажратишди. Японияда эса бу истиқболли тармоқ билан 230 та фирма шуғулланмоқда.**

***

Францияликлар чаённинг электрэнцефалограммасини текширганларида у одам электрэнцефалограммасига ўхшашлиги маълум бўлди.

***

**Флорида ярим оролида «совун дарахти» ўсади. Бу дарахтнинг пишган меваси сувда кўпик ҳосил қилади.**

**Оролда яшовчи халқ мазкур дарахт мевасидан кир ювиш учун ҳанузга қадар совун сифатида фойдаланади.**

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**


**«ДЕЗИНТЕХ»**

**шўъба корхонаси**

1998-1999 йилда «ПОЛИСЕПТ» ПГМГ дезинфекция қилувчи моддани етказиб бериш учун шартномалар тузишни давом эттиради.

Ушбу препарат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсати билан Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилади. 10кг полисепт моддаси 1 тонна хлор моддасининг ўрнини босади, ҳидланмайди ҳамда 10000 кв.м сиртни тозалайди.

«Полисепт» номи қонун билан ҳимояланади. Бу номдаги маҳсулотни «Интермед» ХТМ нинг ёзма рухсатисиз ишлатиш, қўллаш ва реклама қилиш қонун билан тақиқланади.

Қонунбузарликнинг барча кўриниши суд орқали ҳал этилади.

Сотиб олиш ҳамда шартнома тузиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этинг.

Тошкент, Қатортол кўчаси, 60-уй.
Телефон: 78-96-98 № MB GU 9700386.3

**АВТОМОБИЛЬ ЎҚУВ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

«Автокадр» очиқ турдаги акционерлик жамияти республика Давлат автомобиль назорати билан ҳамкорликда «Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари» бўйича рангли плакатлар тайёрлаб, ўзбек тилида босиб чиқарди.

Биринчи маротаба давлат тилида нашр этилган мазкур плакатларда йўллардаги ҳаракатни ташкил этиш ва тартибга солиш юзасидан сизни қизиқтирган барча саволларга жавоб топилади.

Плакатларда йўллардаги ҳаракатланиш қоидаларидаги ўзгариш ва қўшимчалар ёритилган бўлиб, уларни нафақат автомактаб ва автокорхоналарда, балки бошқа тармоқларда қўлланилиши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга кўмаклашади.

Плакатларни сотиб олишга шошилинг!

Нархи унчалик қиммат эмас.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Байналминал кўчаси 53 уй, (Мўлжал: Чилонзор Оқ тепаси майдони, Тошкент автомобиль-йўллари техникуми) Телефонлар: 78-57-39, 78-37-36.**



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ НАШРИ. ИШОНЧ

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г— 0616. Нусхаси — 14.561.

1 2 3 4 5 6